

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.****Юсупов М.М***ҚДПИ катта ўқитувчи***Боходирова Ф. Р***БТ факультети 2-талабаси*

Аннотация. Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий компетентлигини ривожлантириш имкониятлари очиб берилган. "Ижтимоий компетентлик" тушунчаси, унинг таркибий қисми ва даражалари тавсифланади.

Калит сўзлар: кичик мактаб ёши, компетентлик, ижтимоий компетентлик, ижтимоий кўникмалар, конструктив хатти-ҳаракат усуллари.

Республикада таълим соҳасини замонавий ривожланиш тенденцияларига мослаштириш, инновацион ўқитиш технологияларини такомиллаштириш бўйича катта тажриба тўпланди. Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган ижтимоий жамиятда ўқувчи ёшларнинг атроф борлиқ билан ўзаро мулоқот қилиш кўникмаси улардаги ижтимоий компетентлик мавжудлигига боғлиқ. Ижтимоий компетентликнинг шаклланиши ўзаро бир-бири билан боғлиқ ижтимоийлашув ва индивидуаллашув жараёни сифатида кўрилиб, унинг натижасида бола ўз фаолиятини ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши, ўзининг хатти – ҳаракатлари учун оиласи ва жамоатчилик олдида мустақил жавоб бера олиши, суҳбатдошни тинглаши ва унга ўз муносабатини билдириши, ўз қарашларини асослашга қодир бўлиши талаб этилади.

Кичик мактаб ёшидаги боланинг муҳим хусусиятларидан бири, унда ўзига хос эҳтиёжларнинг мавжудлигидир. Бу эҳтиёжлар ўз моҳиятига кўра муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга қаратилмай, балки фақат ўқувчилик истагини акс эттиришдан ҳам иборатдир. Шу эҳтиёжлар асосида ўз портфелига, шахсий ўқув қуролларига, дарс тайёрлаш столига, китоб кўйиш жавонига эга бўлиш, катталардек ҳар куни мактабга бориш истаги ётади.

Кичик мактаб ёшидаги бола ўзининг туб моҳияти ва вазифасини тушуниб етмайди, балки ҳамма мактабга бориши керак деб тушунади. Катталарнинг кўрсатмаларига амал қилиб, тиришқоқлик билан машғулотларга киришиб кетади. Орадан маълум вақт ўтгач, шодиёна лаҳзаларнинг таассуроти камайиши билан мактабнинг ташқи белгилари ўз аҳамиятини йўқота боради ва бола ўқишни кундалик ақлий меҳнат эканлигини англайди. Агар бола ақлий меҳнат кўникмасига эга бўлмаса унинг ўқишдан кўнгли совийди, унда умидсизлик ҳисси вужудга келади. Ўқитувчи эса бундай ҳолнинг олдини олиш учун болага таълимнинг ўйиндан фарқи, кизиқарлилиги ҳақида маълумотлар бериши ва уни шу фаолиятта тайёрлаши керак.

Мактабга биринчи бор келган болада қатор қийинчиликлар юзага келади. Уларга, аввало, бир қанча мактаб қоидаларига бўйсунуши қийин кечади. Бошланғич синф ўқувчиси учун энг қийин қоида бу дарс вақтида жим ўтиришдир. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг доимо жим ўтиришига ҳаракат қилишади, лекин камҳаракатли, пассив, қуввати кам бўлган ўқувчигина дарс жараёнида узок вақт жим ўтира олади. Ўқувчини қандай қилиб мактаб қоидаларига бўйсунушга ўргатиш мумкин? Бу борада ўқитувчининг ўқувчилари билан қиладиган муомала-муносабат услубининг аҳамияти жуда катта. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муҳим хусусиятларидан бири улардаги ўқитувчига ишонч ҳисси бўлиб, бунда ўқитувчининг ўқувчига таъсир кўрсатиш имконияти жуда каттадир. Бола ўқитувчини ақл соҳиби, зийрак сезгир, меҳрибон инсон деб билади. Ўқитувчининг обрўси олдида ота-оналар, оиланинг бошқа аъзолари, қариндош уруғларининг нуфузи кескин камаяди. Шу сабабли, болалар ўқитувчининг ҳар бир сўзини қонун сифатида қабул қиладилар. Демак, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ривожда етакчи бўлган ўқув фаолияти ўқитувчи шахси ва ўқувчи билан муносабат услубининг аҳамияти жуда катта.

Б.Т. Лихачев таъкидлашча, мактабгача ёш давридан шаклланган кичик мактаб ёш даврининг психологик-физиологик асослари ўқувчига олам тўғрисида тўплаган тажрибага мурожаат этишига имкон беради. Мактаб ёш давридаги болалар атрофдаги предметли муҳитда ўзларини тасдиқлайдилар. Зиддиятлар ёки ўзини муайян муҳитда тасдиқлаш истаги ва уни билмаслик сабабли - болада мазкур ёш даври учун етакчи бўлган маънавий эҳтиёж, кўпгина билишга оид интилишлар ва қизиқишлар юзага келади [1; 89-б.]

Л.И.Петрованинг тадқиқот ишларига асосан, кичик мактаб ёш даврида қуйидаги янги ҳосилалар кузатилади – психик жараёнларнинг беихтиёрлиги, ҳатти-ҳаракатларнинг ички ҳолати ва рефлексия. Бу ёш даврида бола фаол мақсадларини онгли қўйиш ва уларга эришишга ўрганади, уларни жалб этишига кўра эмас, балки заруратдан келиб чиқиб танлай бошлайди. Шунга кўра у ўз ҳулқини бошқаришга ўрганади. Бундан ташқари, у тўғри қарорни танлайди, натижаларни таҳлил қилади ва таққослайди, ишларни ўтказиш тартибини режалаштиради [2; 28-б.]

Ҳар бир ёш даврида ривожланувётган инсоннинг шахс сифатида шакллантириши муайян муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ. Шунга кўра, мактабгача ёшдаги боланинг муваффақияти унинг мактабга тайёргарлик даражаси билан белгиланади, мактабда муваффақиятли тайёргарлик унинг ҳаёт йўлини, хусусан, келажакдаги касбий фаолият соҳасини танлашини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир ёш босқичида ижтимоий компетентлик шахснинг жамият билан самарали муносабатда бўлишга, ўз ҳаётини йўналишини қуришга ва муваффақиятни ҳис қилишга имкон берадиган сифатга айланади.

Мактаб ўқувчисининг ижтимоий компетентлиги деганда биз унга жамият билан самарали муносабатда бўлиш орқали илмий билимлар ва амалий фаолият асосларини муваффақиятли ўзлаштиришга, ўз фаолиятини ташкил эта олиш ва ўз

имкониятларини ишга сола олишга ёрдам берадиган шахснинг сифатларини тушунамиз.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ижтимоий компетентлик куйидагиларда намоён бўлади:

- якуний маҳсулотни ярата олиш қобилияти;
- ижтимоий ва иқтисодий ролларни тез ўзгартириш қобилияти;
- тадбиркорликда ҳамкорлик қобилияти;
- таъсир этишнинг умумий усулларини эгаллашдаги қобилияти;
- ижтимоий алоқалар ва ўзаро муносабатлар тизими бўйича билимлар;
- атрофдаги воқелик, дунё ва ўзи ҳақида билимлар;
- ижтимоийлашув жараёнининг бориши ҳақида билим;
- асосли равишда танлаш қобилияти;
- ҳамкорликда ва самарали ишлаш қобилияти;
- меҳнат бозоридаги вазиятни таҳлил қилиш, шахсий ва ижтимоий манфаатларга

мувофиқ ҳаракат қилиш кўникмалари;

- меҳнат ва фуқаролик муносабатлари одоб-ахлоқ қоидаларини эгаллаш кўникмалари;

- фикрлаш тажрибасининг намуналари мавзусини тушуниш ва қайта кўриб чиқиш кўникмалари.

Бошланғич синф ўқувчилари дарс жараёнида ва синфдан ташқари фаолиятда ижтимоий меъёрлар ва ахлоқий қоидалар билан муносабатга киришадилар ва уни ўрганадилар. Ижтимоийлашув жараёни ички қарама-қаршиликларга эга. Ижтимоийлашган инсон жамият талабларига мос келиши, унга «киришиб» кетиши, жамият ривожланишидаги салбий жиҳатларга, шахснинг индивидуал ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳаётий ҳолатларга ўзининг онгли муносабатини билдира олиши ва тўғри ечим топа олиш кўникмасига эга бўлиши керак. Лекин ҳаётда баъзан акси ҳам бўлади: тўлиқ ижтимоийлашган, жамиятга киришиб кетадиган, аммо муҳитда баъзи салбий ҳолатларга қарши курашишда фаоллик кўрсатмайдиган одамлар ҳам мавжуд. Бу ҳолат кўп жиҳатдан бугунги жамият, тарбия муассасалари, ўқитувчилар ҳамда оналарга ҳам тааллуқли бўлади. Тарбияда қарама-қаршилик инсонпарварлик ғояси ёрдамидагина бартараф этилиши мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий компетентлиликни шакллантиришда ўзаро мантиқий жиҳатдан алоқадор бўлган уч ҳолатни назарда тутиш керак: исталган, мумкин бўлган ва бажарилиши шарт деб топилган ҳолатлар.

Биринчи ҳолат шахснинг ўзаро биргаликдаги фаолият жараёнида муайян ҳаракатларни бажариш истагини ифодалайди. Иккинчи ҳолат эса мавжуд вазият ва шахсий имкониятларини баҳолаш, ҳулқ-атворнинг йўл кўйилган ҳолатларини таҳлил қилиш ва унинг оқибатларини башоратлашда намоён бўлади. Учинчи ҳолат эса ўзаро биргаликдаги ҳаракатлар ҳақида билимлар, унинг меъёрлари, қонун-қоидалари ва усулларини билиш орқали ифодаланади.

Ўқувчилар ушбу жараёнда биргаликдаги ҳаракатларга шахсий ва ижтимоий таъсир кўрсатиш лаёқатини ҳам эгаллайдилар. Ўқувчиларда таянч компетенциялар ёрдамида ижтимоий компетенцияни шакллантиришда ушбу ҳолатларни ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ижтимоий компетентлиликнинг муҳим таркибий қисмларидан бири зиддиятларни бартараф этишга лаёқатлиликдир. Бу шахсдан турли вазиятларда вужудга келадиган зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш кўникмасига эга бўлишни талаб этади:

- ҳақиқатни билиш ва тушунтира олиш;
- шахслараро муносабат жараёнида қабул қилинган меъёрлар ёрдамида ўзи ва синфдошларининг хатти-ҳаракатларини баҳолай олиш;
- бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда касб танлаш;
- ҳаётий талаблар асосида ўз мавқеини аниқлаш ва турмуш тарзини белгилаш кабилар.

Компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган таълим – ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш имкониятидир. Компетенциявий ёндошувга асосланган таълимда ўқувчилар мустақиллик, фаол фуқаро сифатида ўз қарашларига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот коммуникация-технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-хунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларни ўзлаштирадилар. Инсон ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини топиши, дуч келадиган муаммоларга ечим топа олиши, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, соҳага тегишли хусусий компетенцияларни ҳам эгаллашлари зарур.

Шахснинг интегратив фаолияти маҳсули сифатида ижтимоий компетентлилик ўзининг муйян мазмуни ва таркибий тузилишига эга. Биз қуйида ижтимоий компетентлиликнинг таркибий қисмлари устида тўхталишга ҳаракат қиламиз. Ижтимоий компетентлилик қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- Мотивли-эмоционал компонент. Бунда ўқувчиларда атрофдагиларга нисбатан қадриятли (раҳмдиллик, эътиборлилик, ғамхўрлик, ўзаро ёрдам ва меҳрибонлик) муносабатда бўлиш;

- Когнитив компонент доирасида ўқувчиларда атрофдагиларни билишга йўналтирилган фаолиятни шакллантириш назарда тутилиб, бунда ҳар бир шахснинг ўзига хослиги, қизиқишлари, эҳтиёжлари, кайфиятидаги ўзгаришларни сезиш, ҳиссий ҳолатини билиш тажрибаси ҳосил қилинади.

- Хулқ-атворга асосланган компонент доирасида ўқувчилар ўзаро мувофик келадиган вазиятларни танлаш, ўзаро мулоқотга киришиш, хулқ-атворнинг ахлоқий жиҳатдан аҳамиятли бўлган кўринишларини эгаллаш лаёқатлари шакллантирилади.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий компетентлиликни шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари ва шарт-шароитларини тадқиқ қилиш ўз ечимини кутаётган муаммолардандир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Лихачев Б. Т. Педагогика. Курс лекции: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений и слушателей ИКП и ФПК. М.: Юрайт, 1999. 523 с.
2. Петрова Л. И. Индивидуальный подход в воспитании младшего школьника. Д.: Феникс, 2007. 336 с.
3. Yusupov, M. M. (2021). Educational Practice as a Tool in the Formation of Professional Competence of Future Primary Education Teachers. *International Journal on Orange Technologies*, 3(4), 301-305.
4. Nizamova, S. U., Isakov, S. Z., & Yusupov, M. M. (2022). Historical And Linguistic Study Of Uzbek Nicknames. *Journal of Positive School Psychology*, 150-158.
5. Yusupov, M. M. (2022). The issue of scientific and methodological support of students during the period of continuous educational practice. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 209-213.
6. Mamadalievich, Y. M., & Shaxzoda, N. (2022). YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASH. ILM-FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY QARASHLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR, 149-151.
7. Tolipov, R., & Yusupov, M. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE FORM OF EDUCATION IN IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF THE LESSON. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1633-1637.
8. THE NEWSPAPER "SADOI FERGHANA" IS THE NEWSPAPER OF THE FERGANA REGION YM Mamadalievich, TR Mamasolievich *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10 (12), 1236-1240
9. Umidjon, A., & Oghiloy, M. (2023). SCIENTIFIC AND THEORETICAL BASES OF ORGANIZING EXTRACURRICULAR ACTIVITIES. MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH, 3(29), 332-337.
10. Umidjon, A., & Sevara, U. (2023). EDUCATION OF STUDENTS IN THE SPIRIT OF PATRIOTISM IN THE PROCESS OF CLASSROOM AND EXTRACURRICULAR ACTIVITIES. FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES, 2(24), 255-259.

11. Umidjon, A., & Shokhista, M. (2023). THE NATURE AND TASKS OF EXTRACURRICULAR ACTIVITIES. THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH, 2(20), 232-237.

12. Абдурахманов, У., Тошматова, О., & Мелиева, Х. (2022). Umumta'lim maktablarida matematika fanini o'qitishning zamonaviy didaktik vositalari va muammoli ta'lim texnologiyasi. Общество и инновации, 3(3/S), 231-238.

13. Sh, A. U. (2022). The main approaches to the formation of the control action in younger schoolchildren in the process of teaching mathematics. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(11), 142-150.

14. Shoqosim o'g'li, A. U., Xafizaliyevna, M. X., & To'lqinjon, G. O. (2022). MODERN DIDACTIC MEANS OF TEACHING MATHEMATICS IN SECONDARY SCHOOLS AND PROBLEM EDUCATIONAL TECHNOLOGY. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(4), 460-467.

15. Абдурахмонов, У. Ш. (2022, December). О ПОСТАНОВКЕ И ИССЛЕДОВАНИЮ ОДНОЙ КРАЕВОЙ ЗАДАЧИ ДЛЯ УРАВНЕНИЯ ТРЕТЬЕГО ПОРЯДКА ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО ТИПА В ТРЕУГОЛЬНОЙ ОБЛАСТИ С ТРЕМЯ ЛИНИЯМИ ИЗМЕНЕНИЯ ТИПА. In E Conference Zone (pp. 118-121).

16. Абдурахмонов, У. Ш. (2022). О КРАЕВОЙ ЗАДАЧЕ ДЛЯ УРАВНЕНИЯ ТРЕТЬЕГО ПОРЯДКА ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО ТИПА В ТРЕУГОЛЬНОЙ ОБЛАСТИ. Conferencea, 202-206.

17. Abdurahmonov, U. (2022). FUNKSIYA HOSILASI GEOMETRIK VA MEKANIKA MA'NOLARI. Журнал интегрированного образования и исследований, 1(6), 135-138.

18. Abdurahmonov, U. (2022). EKSTREMAL MASALALARNI YECHISHDA TENGSIZLIKLAR USULIDAN FOYDALANISH. Eurasian Journal of Academic Research, 2(12), 1239-1242.

19. Shoqosim o'g'li, A. U., Rahimovna, T. O. R., Mamasiddiqovna, A. N., Mamasoliyevich, T. R., & Roxataliyevna, A. N. (2022). Technologies For Improving The Quality Of Educational Results Of Schoolchildren By Developing A Personalized Model Of Teaching Mathematics Through Interactive Stories. Journal of Positive School Psychology, 6(11), 1354-1365.

20. Shoqosim o'g'li, A. U. (2022). The importance of didactic games in teaching mathematics in secondary schools. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(6), 1566-1570.

21. Abdurahmanov, U. S. (2023). Application of Modern Information Technologies in Teaching Mathematics in General Education Schools. INTERNATIONAL JOURNAL OF INCLUSIVE AND SUSTAINABLE EDUCATION, 2(3), 20-24.

22. Abduraxmonov, U. S., & No'monova, D. (2023). UMUMTA'LIM MAKTABLARI MATEMATIKA DARSLARIDA ZAMONAVIY DIDAKTIK VOSITALARINING QO 'LLANILISHI. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(9), 160-165.
23. Abdurakhmonovich, S. A. (2022). Technology of Critical Thinking in Russian Language and Literature Lessons in 5-6 Grades. *Middle European Scientific Bulletin*, 22, 64-68.
24. Abdurakhmonovich, S. A. (2022). Informative-Target Analysis. *Middle European Scientific Bulletin*, 22, 69-71.
25. Isroilova, G., & Abdurahimov, S. (2021, December). The socio-political activity of the youth of Uzbekistan. In *International conference on multidisciplinary research and innovative technologies* (Vol. 2, pp. 231-235).
26. Абдурахимов, Ш. А., Файзрахманова, А. А., & Шанина, Ю. А. (2020). ПУТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧИТЕЛЯ-СЛОВЕСНИКА. In *Система непрерывного филологического образования: школа–колледж–вуз. Современные подходы к преподаванию дисциплин филологического цикла в условиях полилингвального образования* (pp. 2-8).
27. Абдурахимов, Ш. А. (2022, December). АНАЛИЗ ВИДОВ ЛЕКЦИЙ И ТЕХНОЛОГИЙ ОРГАНИЗАЦИИ НА ЭТАПАХ ОБУЧЕНИЯ. In *E Conference Zone* (pp. 34-41).
28. Sh, A. (2022). ISSUES OF FORMATION OF THE CENTER FOR MASTERING FOREIGN EDUCATIONAL PROGRAMS THAT FORM CIVIL EDUCATION IN STUDENTS IN THE SYSTEM OF PRIMARY EDUCATION IN UZBEKISTAN. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(7).
29. Sh, A. (2022). SOCIAL ORIENTATION AND INTEGRITY OF EDUCATION. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 234-237.
30. Shokosim, A. (2022). THE ROLE OF THE FAMILY IN RAISING A HEALTHY GENERATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1113-1116.
31. Shokosim, A. (2022). PSYCHOLOGY OF FAMILY AND FAMILY RELATIONS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1284-1287.